

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

- Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар, фуқаролиги бўлмаган хоржий шахсларга яшаш гувоҳномалари ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси бериш ҳамда уларни алмаштиришни ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилди.
- Бош вазир Абдулқодим Муталов Тожикистон Бош вазири Жашид Каримов бошчилигидаги ҳукумат расмий делегацияси билан учрашиб, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш хусусида музокаралар ўтказди.
- Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қудрат Аҳмедов берган баёнотга қўра, дастлабки маълумотлар аянчама куни Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда рўйхатга олинган 11,2 миллион сайловчида 10 миллион нафардан кўпроги овоз беришда иштирок этганига алоқаси бўлди.
- Жиззах шаҳрида бир кеча-кундузда 150 тонна чигитни қайта ишлайдиган "Жибри" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ишга тушди.
- Андижон вилоятидаги Кўргонтена туманида 600 нафар беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника фойдаланишга топширилди.

ҲАМДУСТИЛКДА

- Кега Россия Президенти Борис Ельцин Чеченistonдаги вазият муносабати билан телевидение орқали Россия фуқароларига мурожаат этиди. Унда, жумладан, тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бўлмаслиги учун эндиликда Грозний шаҳри бомбардирон қилинмаслиги айтилди.
- Чеченistonда муҳофизатчи қўрлар томонидан тузилган миллий тикланиш ҳукуматининг бошиги акадмик Саломбек Ҳожиёв Кега Москвага ўтказган маъмурият конференциясида бу ҳукумат фақат иқтисодий масалалар билан шуғулланишини айтди.
- Россия Бош вазирининг ўринбосари Олег Сосковец берган баёнотга қўра, Чеченiston иқтисодий тиклаш учун 1 триллион Россия рублидан кўпрок маблағ керак экан.
- Беларусь Президенти Александр Лукашенко баъзи оммавий ахборот воситаларининг Беларусь Россиянинг норозилигига қарамасдан АҚШга энг замонавий ракета мудофаси воситалари етказиб берганини тўғрисидаги хабарларни гирт уйдирма, деб баҳолади. Унинг айтишича, Беларусьда ана шундай замонавий ҳарбий техника умуман йўқ.
- Туркманiston билан Россия ўртасидаги ахдлашувга мувофиқ Туркманiston етказиб берган табиий газга Россия республикаси қўрол-аслаҳа билан таъминланадиган бўлди.
- 1995 йилдан илгари ВАЗда йиғилган "Ока" энгил автомобиллари КАМАЗда ишлаб чиқарила бошланди.

ХОРИЖДА

- Рабониддин Бурхоний 1994 йил охирида ваколати тугаганидан сўнг Афғонiston Президенти лавозимидан истеъфога чиқилишни айтди. Маълумки, муҳофизатчиларнинг мамлакатда ўт очини тўхтатишининг асоси шарт ҳам Бурхонийнинг истеъфого чиқилишидир.
- АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер вотиачилигида Босния ва Герцеговинада ўт очини тўхтатиш тўғрисидаги ахднона яна бузилди. Бу ерда серблар, хорватлар ва муслмонлар ўртасида яна жанглар бошланиб кетди.
- Полянда 1995 йил 1 январдан эътиборан икки йил давомида миллий валюта — злотий 10000:1 нисбатда алмаштирила бошланди.
- 24 декабрь куни гаровга олиниб, 54 соат давомида террорчилар қўлида бўлган "Эр Франс" авиаконанисининг А-300 аэробуси Марсель аэропортида Франция жаңдармерияси сараланган бўлинилари томонидан штурм билан қўлга олинди. Бу операция пайтда тўрт террорчи ўлдирилди, 30 дан кўпроки киши жароҳатланди.
- Ливия раҳбари Муаммар Қазофий Туркияга ўрта Ер денгизига тушадиган Манават дареси сувини Ливияга сотишни таклиф қилди. Ливия томони бу сувни аввал мамлакатда танкерларда, сўнг эса махсус қурурлар орқали келтиришни мўлжалламакда.
- Англияда чиқадиган "Тардиан" газетасининг ёзишича, АҚШнинг Нью-Жерси штати банкларидан бирида деярли 40 йилдан бери сақланган буюк олим Альберт Эйнштейннинг қўзи ким ошиди савдосида 5 миллион долларга сотилиши мумкин экан. Бу қўз билан америкалик машҳур кўшкчи Майк Жексон қизиб қолди.


Қишлоқ — шаҳарга

САБЗАВОТКОРЛАР ҲИММАТИ

Ўтаётган 1994 йилда ташқар сабзавоткорлар 2 декабрдаги уйган хирмон ҳам баракали бўлди. Биргина тонна шолғом, турп, ош лава-тонна ва 6 миң килограмм резавор экинларни муддатидан илгари ҳаммаҳарларимизга жўнатишди.

Хўжалигимиз деҳқонлари бу йил айниска қарам, сабзидан мўл ҳосил олди. Шу боис Янги йилда аҳолига биргина шу маълумотларнинг ўзидан 50 тоннадан ортиқ етказиб берилади, — дейди бошқарув раиси С. Махмудов.

Исматулла РУСТАМОВ.



Янги йил эшик қоқмоқда
АРЧА АТРОФИДА
ТОМОШАЛАР

Тошкент тўқимачилар маданият саройида "Арча атрофида кувнок томошала" деб номланган Янги йил дастури намойиш этилди. Даставвал кирпаерида шодона, уйл-кугли бўлиб, сўнг ичкарида Эргаш Раимов асарига сахналаштирилган "Корбоининг Янги йил саргузашлари" эртақ-спектакли кўрсатилди. Ушбу сахна асарининг режиссери Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмад Юнусовдир.

Бундан ташқари йилгиларлар режиссери Нина Шаханова рус халқ эртаги асосида талқин этган "Мушқунинг уйи" спектаклини ҳам марок билан томоша қилдилар.

Собир БОЗОРБЕКОВ.
Пойтахтимиз янги — 1995 йилни кўтиб олиш тараққу-да. Сураткам муҳбиримиз Козим Ҳамасов олган тасвирлар ҳам Тошкентнинг Янги йил арафасидаги кўринишларини ифодалаган.




Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.

ТОШКЕНТ ОНШИОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

№154 [8.583] 1994 йил 28 декабрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган



"Тошкент тўқимачилик комбинати" ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари Янги йилни самарали ютуқлар билан кўтиб олишмоқда. Бирлашмада харидорлар дидига мос ранг-баранг матолар тўқиб чиқаришмоқда. СУРАТДА: цех бошлиқлари Собир Исломов ва Фуркат Султоновлар назоратчи Санжар Эрдонов билан матоларни кўздан кечиришмоқда.

Козим Ҳамасов олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ "Тошкентуйжойинвесткурилиш" Тошкент молия-қурилиш корпорацияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ("Тошкентуйжойинвесткурилиш")ни ташкил этиш тўғрисидаги Фармони билан ажратиб юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. "Тошҳаёрийохна" институти, капитал қурилиш бош бошқармаси ва "Фарос" фирмасининг "Тошкентуйжойинвесткурилиш" корпорациясига иштироки равишда қирин тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.
2. Тошкент молия-қурилиш корпорациясининг тузилмаси тасдиқлансин.
3. Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ижроия аппаратининг тузилмаси ва унинг ходимларининг чекланган сони 84 нафардан иборат бўлишига розилик берилинсин.
4. "Тошкентуйжойинвесткурилиш" корпорациясининг тузилмаси раиснинг тўрт ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлиши тавсия қилинсин.
5. Корпорация раиси ва унинг ўринбосарларига Ўзбекистон Республикаси вазирлари ва вазирларнинг ўринбосарлари учун белги-ланган моддий-маънавий ва тиббий хизмат кўрсатиш шароитлари сақлаб қоллинсин.
6. "Тошкентуйжойинвесткурилиш" корпорациясида бўл-шчи облигация замини чиқаришга рўхсат берилинсин.
7. Белгилаб қўйилсинки, уй-жой облигациялари (уй-жой сертификатлари) "Тошкентуйжойинвесткурилиш" корпорациясининг қиймати қозонган ҳисобланади ҳамда уларнинг эгалари томонидан миқдори облигация (сертификат)нинг белгиланган амал қилиш муддати давомида ўзгармайдиган муайян миқдордаги умумий уй-жой майдон қурилиш учун маб-лағ тулганлигини тасдиқлайди.
8. Уй-жой майдон билан таъмин-ланганликларидан қатъий назар, уй-жой сертификатини сотиб олиш ҳуқуқида Тошкент шаҳрида яшов-чилар эга бўлади.
9. Уй-жой облигацияси йирик па-нелда ўзқилинган намунавий уйларида 0,5 кв.метр умумий май-дон миқдоридан номинатга эга бўлади.
10. Муайян турдаги квартира ум-умий майдоннинг 30 фоизига му-вофиқ келувчи уй-жой облигаци-яси туркумининг эгасига, кейин-чалик квартира қийматининг қолган ҳақини шартнома тузилган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР
1. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом паспорт бериш ва ундан фойдаланишни, қайд этиш, рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқаришни, шунингдек паспорт тизими қондаларини бузганлик учун жавобгарлик тартибини белгилайди.
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортни Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳуж-жатдир.
3. Ўзбекистон Республикасининг 16 ешга тўлган барча фуқароларида Ўзбекистон Рес-публикаси фуқароси паспортни бўлиши шарт. Ҳарбий хизмат-чилар бундай паспортсиз яшай-дилар. Ҳарбий хизматчи ва ҳар-бий муассасалар кўмондонлиги томонидан берилган шахсий гувоҳномалар ва ҳарбий билет-лар ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардир.
4. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон республикаси ҳуд-удида Ўзбекистон республикаси конунчилигида белгиланган ҳужжатлар асосида яшайдилар.
5. Паспорт хорижга жўнаб кетиш чоғида ҳам амал қилади. Хорижга жўнаб кетаётган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортни бериш ва ундан фойдаланишнинг мулк билан объектлар рўйхати тасдиқлансин.
6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўрсатиб ўтилган асосий фондлар-ни тасаруф этиш ҳуқуқини "Тошкентуйжойинвесткурилиш" корпо-рациясига берилинсин.
7. "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспор-ти:
 - Болаларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили, кун, ойи;
 - ҳарбий хизматга муноса-бати тўғрисидаги;
 - никоҳдан ўтиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги;
 - паспорт эгасининг исти-қомат жойи ҳақидаги;
 - визалар ҳақидаги маълумотлар езилади.
8. Фуқаро паспортига езув-ларни:
 - Ушбу Низомнинг 7-банд-да кўрсатилган маълумотлар-ни — ички ишлар органлари;
 - ҳарбий хизматга муноса-бати ҳақидаги маълумотларни — мудофаа ишлари органлари;
 - Балогатга етмаган бола-лар, никоҳни қайд этиш ва ни-коҳни бекор қилиш тўғрисидаги езувларни — фуқаролик хола-тини қайд этиш органлари;
 - паспортнинг хорижда амал қилиш муддати, бирга жўнаб кетаётган балогатга ет-

Маданият янгилиги "ИСТИҚЛОЛ — АЁЛ ТАҚДИРИДА"

Шу кунларда шахримиз ма-даният уйлари ижодий жамоа-лари турли мавзуларда кизикarli тадбирлар ташкил эт-моқдалар. Акмал Икромов туман Абдулла Қаҳҳор номи маданият уйи ижодкорларининг "Истиқлол — аёл тақдирида" деб номланган адабий мусиқали дастури ҳам ту-ман маҳалларида намойиш эти-либ, кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Аёл, бутунги кунда тутган ўрин, истиқлол шарофати билан берилган қўлпаб энгилликлар ҳақида хикоя қилувчи мақур тадбирда маҳалла фаол аёллари, ижодкорлар, ишлаб чиқаришда ўрнатилган аёллар, фах-рийлар ва уй бекалари иштирок этиб ўзларининг дил сўзларини изҳор этидилар. Маданият уйи бадий ҳаваскорларидан Гурсу-ной Пирматова, Шахло Ибро-ҳимова, Зулфия Мавлонова, Салтанат Сиддиковалар ижро-сидаги дилрабо куй ва қўшиқлар, киши кўнглига ҳуз-нулик бахш этувчи жозибали рақслар барчага бир олам завқ бағишлади.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.

Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов маҳаллалар ахли, меҳнат жамоалари, ташкилот-лар, жамоатчилик вакиллари-нинг расмий илтимослари ҳамда шаҳар Атамалар комиссия-сининг тақлифларини қараб чиқиб, Тошкент шаҳридаги айрим кўчалар ва мактаблар номларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга мувофиқ:

Сирғали туманида:
Ленин кўчаси — Судоптек Ҳужанов кўчаси;

Миробод туманида:
Чикобани кўчаси — Усмон-бек Олимбеков кўчаси;
Сергей Лазо кўчаси — Фи-лодийлар кўчаси;
Манжара кўчаси — Василий Фетисов кўчаси;

Собир Раҳимов туманида:
Ленинча ва Ленин кўчалари (тор ва берк кўчалари билан) — Генерал Комилжон Гофуров кўчаси;
Калинин номи 8-ўрта мак-таб — Генерал Комилжон

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ЯНГИ НОМЛАР

Гофуров номидаги 8-ўрта мак-таб;
Нозимахоним 1-тор кўчаси — Айюб Гуломов кўчаси;
Бектемир туманида:
290-мактабга Турар Рыскулов номи берилади;
Юнусобод туманида:
Финкельштейн кўчаси — Мирзо Улуғбек туманида: Коракалпоқ кўчаси, Кабул-ков ва Якуб Колас кўчаларининг бир қисми ўрнида пайдо бўлаётган кўчага Абдуҳамид Қаюмов номи бе-рилади.
Тегинши бош бошқарма ва бошқармалар, туман ҳокимлик-

